

17«11»2022 yil.

1202-7-99-ТВ/2022-son

PUDRAT SHARTNOMASI

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Нуробод тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан А.Абиев бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “Nurobod Sam Invest Qurilish” МЧЖ номидан U.Rabbimov ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюрмачининг буюрмаси бўйича куйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан (битим суммаси)
1	03.11.2022-йилдаги №175759-сонли лотга асосан Тиббиёт бирлашмага қаршли “Сахоба ОШП” биносини жорий таъмирлаш	245000000
	Жами:	

1.1. Шартноманинг умумий суммаси 245000000 (Икки юз қирк беш миллион) сўмни ташкил қилади

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «18»ноябр 2022 й. Тугаши: «15»декабр 2022 й.

Багафсил баёни

1	Нуксон далолатнома, смета хужжатларига асосан “Сахоба ОШП” биносини жорий таъмирлаш
---	---

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахасислар томонидан текшириб олинади
---	--

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар яқунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига роял этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган “ишлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “ишлар” бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлик бажармаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишдан озод этмайди.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисобкитобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Хизмат курсатувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартномага 1-сонли спецификация илова қилинади ҳамда шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Ушбу шартномалар ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни гадбик этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

8.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қўйиладиганларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАРИ:

8.3. Томонлар, уларнинг қафилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлар, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларини давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик пора олиш бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари ҳаракатсизликларни содир этилмайдилар. -Томонлар, уларнинг қафилланган (ўзаро боғланган) шахслар ва ходимлари бошқа томонларнинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдур тарзда рағбатлантириш ишдан, шу жумладан пул суммалари, совғалари тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматлари беғараз кўрсатиш ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатлари ҳаракатсизликларни бажарилиши таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

8.4. Бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш.

8.5. Коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактнинг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органлари ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

9.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомда бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

1. Loyihaning nomi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Saxoba QShP Jony ta'mirlash to'g'risida

«Ижрочи»

«Nurobod Sam Invest Qurilish»mchj

«Буюртмачи»

Нуробод туман Тиббийёт бирлашмаси

Манзил: Нуробод туман

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани

Тел./факс

х/в 20208000900893058001

Банк номи: АТ Халк банки Нуробод фил

МФО: 00740 СТИР 305606618

ОКОНХ:

Рахбар

У.Раббимов

Тел.факс 66-240-22-00

х/в 100022860182357073101054001

Банк номи: Марказий Банк ХККМ Тошкент ш.


МФО 00014 СТИР 200777809

ОКОНХ 91511

Рахбар

А.Я.Абиев

М.у



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	ABDULLA ABIYEV YAVKOCHOVICH
Imzolangan sana	17.11.2022 12:56
Hujjat kodi	FL4056771620
Hulosa kodi	DI8037086525

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOŠA

DI8037086525

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Saxoba OShP joriy ta'mirlash to'risida**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: NUROBOD TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni hamda Fuqarolik kodeksi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Nurobod tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



F.U.TILAVOV

17.11.2022